

## НИКОҲДАН АЖРАТИШ ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР

**Умарова Шахноза Сапаевна**

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти:*

*Илмий раҳбар: Ш.Шайзаков*

*akramovsaidkamol305@gmail.com*

*+998971570012*

**Аннотация:** Мазкур мақолада никоҳдан ажратиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган. Жамиятда глобал ўзгаришлар, оила институтига таъсир этувчи омиллар, ажралишлар сонининг ортиши, эрта никоҳлар муаммоси ва уларнинг салбий оқибатлари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги мавжуд камчиликлар таҳлил қилиниб, никоҳни қайд этиш, никоҳ ёшини белгилаш, медиация институтини жорий этиш, рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқилган. Мақолада хорижий давлатлар тажрибаси ҳам қиёсий таҳлил қилиниб, миллий қонунчиликни ривожлантириш йўналишлари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** никоҳ, никоҳдан ажратиш, оила ҳуқуқи, оила институти, эрта никоҳ, медиация, ФХДЁ, никоҳ ёши, қонунчилик, ахборот тизими, яраштириш, суд амалиёти

Дунёда интеграциялашув жараёнларининг чуқурлашуви шароитида ижтимоий муносабатлардаги глобал ўзгаришлар оила институти, унинг мавқеъи, таркиби, тузилиши, вазифалари ва фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бугун кўплаб мамлакатларда оила анъаналарининг бузилиши натижасида ажримлар сони ортиб бораётгани, туғилиш даражаси тушиб кетаётгани, ноанъанавий никоҳ шакллари фойда бўлаётгани, никоҳсиз туғилган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сони ортиб бораётганини кузатишимиз мумкин.

Юртимиз мустақилликка эришгач жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институтини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида бобда оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлашга қаратилган тизимли

саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Қадимдан оила масаласи кишилиқ жамиятидаги ижтимоий муносабатлар, миллатлар, давлатлар, маданият ва цивилизациялари билан чамбарчас боғлиқ, ҳар бир тарихий ривожланиш босқичида давлат ва жамият мазкур масалага ўзига хос тарзда ёндашган ва ҳал этишга интилан.

Оила ҳуқуқи тушунчаси, фойда бўлиши, ўзига хос хусусиятлари ислом ҳуқуқининг шаклланиши ва тарихий ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у ислом ҳуқуқининг бош йўналтирувчи соҳаси ҳамдир.

Ислом оила ҳуқуқи маҳр масаласи ўзига хос ижобий характерга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ислом оила ҳуқуқида аёлнинг никоҳга

рози бўлганлиги ва никоҳ шартномидан келиб чиқадиган мажбурият сифатида эркакнинг аёлга маҳр бериши белгиланган бўлиб, маҳрнинг миқдори, шакли, берилиш вақти, келишилган бўлиши ва маҳр аёлнинг хусусий мулкига айланиши асосий қоида сифатида қайд этилган.

“Маҳр аёлнинг никоҳга розилиқ билдирганлиги учун унга бериладиган, эрнинг никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган муқаррар мулкӣ мажбурияти, ҳар икки томонни ҳам никоҳни бекор қилишдан ўзини тийиш қафолати ҳамдир.

1. Оила ҳуқуқида никоҳ келишувини татбиқ этиб эр ва хотин никоҳланувчилар томонидан никоҳдан олдин никоҳ келишуви тузилиши лозимлигини белгилаш жамиятда оилага, хусусан, аёлга нисбатан маъсулият ошиб, беҳудага ажралишлар сонининг камайишига ёрдам беришини назарда тутиб Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг II бўлим, 6-боби “Эр ва хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби”нинг 30-моддасини “Никоҳланувчи шахслар ўртасида ёзма келишув никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилади, алоҳида ҳолларда никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин”.

Никоҳланувчи шахслар ўртасида тузилган ёзма келишув никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради” деб ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ўз навбатида, никоҳни қайд этишга оид қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжуд, булар:

Биринчидан, *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.08.2003 йилдаги “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом 1-илоvasи 5-бандида, никоҳланувчи шахслар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тиббий кўрикдан ўтиш учун доимий вақтинчалик яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларига юборилади.*

*Тиббий кўриқдан ўтказиш учун берилган йўлланмалар ФХДЁ органларида никоҳ тузиш тўғрисидаги аризаларни рўйхатдан ўтказиш дафтаридида қайд этилиши белгиланган.*

Никоҳланувчи шахсларга қулайлик яратиш ва ортиқча вақт сарфланишини олдини олиш учун тиббий кўриққа йўлланмаларни никоҳланувчи шахсларнинг экстерриториал тартибидидаги исталган тиббиёт муассасасига мурожаати асосидида тиббиёт муассасаси ходими томонидан ахборот тизимига никоҳланувчи шахсларнинг шахсий идентификация рақамларини киритиш орқали “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимидан олишни ва қозғош шаклида талаб қилишни тақққлаш” тартибини жорий этиш зарур.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.08.2003 йилдаги “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом 1-иловаси 28-бандидида, никоҳни қайд этишда ФХДЁ органлари никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтганлигига ва текшириш натижаларидан хабардорлигига ишонч ҳосил қилиши кераклиги ва никоҳланувчи шахслар никоҳ қайд этилгунга қадар иккинчи томонни тиббий текшириш натижаларидан хабардор қилиши шарт”лиги белгиланган.

Ушбу бандни, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли ахборот тизимини Адлия вазирлигининг “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига интеграция қилиш ҳамда тиббий кўриқ натижаларини танишиб чиқиш учун никоҳланувчи шахсларнинг Ягона интекратив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига ҳамда ФХДЁ органига электрон шаклида юбориш” тартибини жорий қилиш зарур.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2023 йилдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида”ги Низомнинг 82-бандидида, никоҳни қайд этиш фақат никоҳланувчи шахсларнинг иштирокида амалга оширилади белгиланган.

83-бандидида эса, никоҳланувчилардан бирининг бетоблиги сабабли ФХДЁ органига кела олмаса, истисно ҳолларда никоҳ тузилганлиги шифохонада, уйда ёки бошқа тегишли жойда, никоҳланувчи иккала шахснинг иштирокида қайд этилиши белгиланган.

Никоҳланувчи шахсларга бу борада қулайлик яратиш мақсадидида ҳамда бугунги кун талаби ва ахборот технологиялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадидида, никоҳни масофадан туриб, видеоконференциялоқа режимида қайд этиш тартибини жорий этиш лозим бўлади.

Масалан, Украинада никоҳни онлайн шаклида қайд этиш тартиби йўлга қўйилган бўлиб, унга кўра никоҳланувчилар никоҳни қайд этиш вақтида видеоконференция алоқарежимида иштирок этиши мумкин ва электрон имзо билан тасдиқлайди. Никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома никоҳланувчи шахсларнинг яшаш манзилига етказиб берилади.

Шунга кўра, юқоридаги Низомнинг 82, 83-бандларига тегишли ўзгатиришлар киритиш зарурияти мавжуд.

3. Таҳлиллар эрта никоҳ ҳолатларининг юзага келишига асосий сабаб диний ва маҳаллий қарашлар бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

*2021-2025 йилларда жами эрта никоҳ билан боғлиқ 2 191 та ҳолат аниқланган бўлса, уларнинг 92 фоизи (1 993 таси) айнан диний ва маҳаллий қарашлар замирида, қолган 8 фоизи эса ҳомиладорлик, ишқий муносабатлар ҳамда номусга тегиш ҳолатлари туфайли содир этилган.*

Бу каби қарашларнинг оқибатида вояга етмаганлар ўртасида эрта никоҳ ҳолатлари авж олаётганлиги аввало ўқувчиларнинг таълим олишига, вояга етмаган қизларнинг руҳий ҳолатига ва репродуктив саломатлигига салбий таъсир этмоқда.

Шу билан бирга, 2021 - 2024 йилларда эрта никоҳ тузиш ҳолатлари билан боғлиқ 1 та (Жиноят кодексининг 125<sup>1</sup>-моддаси) жиноят қайд этилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1 та (Жиноят кодексининг 125<sup>1</sup>-моддаси) жиноят иши кўзғатилган.

*Мисол учун: Бандихон туманида яшовчи Р.Мамадалиева томонидан невараси вояга етмаган Р.Абдухолиқова 10.07.2025 йилда Денов тумани “Сурхон” маҳалласида яшовчи 1997 йилда туғилган фуқаро Р.Мусаевга шаръий никоҳ асосида турмушга узатилган.*

Никоҳ ёшига етмаган шахсни турмушга берганлиги учун Р.Мамадалиева Денов туман ИИБ томонидан 18.07.2025 йилда МЖТКнинг 47<sup>3</sup>-моддаси 2-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ўрганишда, вояга етмаган Р.Мамадалиева ва Р.Мусаевларга диний маросимни амалга оширган фуқаро М.Исмамовга нисбатан 22.09.2025 йилда Денов туман прокуратураси томонидан ЖКнинг 125<sup>1</sup>-моддаси 3 - қисми билан жиноят иши кўзғатилган.

Ачинарлиси, никоҳланувчиларнинг ҳар иккаласи вояга етмаган шахслар бўлганлар сони 2021 йилда 8 та, 2022 йилда 9 та, 2023 йилда 24 та, 2024 йилда 120 та, 2025 йилда 56 тани ташкил этган.

*Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, никоҳ ёшига етмаган шахслар билан никоҳ қурган шахслар, вояга етмаган шахснинг ота-онаси, диний маросимлар ўтказган шахсларга нисбатан жазо чораларини янада кучайтириш лозим бўлади.*

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47<sup>3</sup>-моддасида никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришганлик учун БХМнинг 30 бараваригача (*амалда 10*), никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берганлик ёхуд уйлантирганлик учун БХМнинг 40 бараваригача (*амалда 15*), никоҳ тузишга доир диний маросимни ноқонуний амалга оширганлик учун БХМнинг 50 бараваригача (*амалда 30*) жарима жазоси

белгиланмоқда.

*Шунингдек, Жиноят кодексининг 125<sup>1</sup>-моддасида:*

никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришганлик учун БХМнинг 100 бараваригача (*амалда 30*) жарима, 300 соатгача (*амалда 240*) мажбурий жамоат ишлари, 2 йил (*амалда 1 йил*) ахлоқ тузатиш ишлари;

– никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берганлик ёхуд уйлантирганлик учун БХМнинг 150 бараваригача (*амалда 50*) жарима, 360 соатгача (*амалда 300*) мажбурий жамоат ишлари, 3 йил (*амалда 2 йил*) ахлоқ тузатиш ишлари;

– никоҳ тузишга доир диний маросимни ноқонуний амалга оширганлик учун БХМнинг 200 бараваригача (*амалда 150*) жарима, 480 соатгача (*амалда 400*) мажбурий жамоат ишлари белгиланиб, жазо чораларини кучайтириш лозим бўлади.

Шунингдек, Оила кодексининг 15-моддасида, узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкинлиги белгиланган.

Қонунчилик ҳужжатларида туман, шаҳар ҳокимига никоҳ ёшини камайтириш бўйича мурожаат қилиш тартиби (ариза билан ким мурожаат қилиши мумкинлиги, аризани кўриб чиқиш муддати, уни рад қилиш асослари ва ҳ.к.) ҳамда давлат хизматини кўрсатиш тартиби мавжуд эмас.

Шу билан бирга, мазкур моддада узрли сабаблар рўйхати қатъий белгиланмаганлиги ушбу нормани амалиётда турлича талқин қилинишига сабаб бўлмоқда.

Туман (шаҳар) ҳокимлари қарорларига асосан 391 та ҳолатда никоҳ ёши қисқартирилган бўлиб, уларнинг 146 тасида узрли сабаблар келтирилмаган.

Ҳокимлар қарорлари таҳлили кўрсатганидек, никоҳланувчи шахслар ёки уларнинг қариндошлари (ота-онаси, бобо-бувиси ва бошқалар) касаллиги, тўй маросимини ўтказиш куни белгилаб қўйилганлиги, кам таъминланган оиланинг фарзанди эканлиги, тарафлар бир-бирларини ёқтириши ва бошқа сабаблар билан никоҳ ёши қисқартирилгани маълум бўлди.

Айрим фуқаролар томонидан қизини вояга етмасдан турмушга бериб, кейинчалик у 18 ёшга тўлганда никоҳдан ўтиш учун ФХДЙ бўлимига мурожаат қилиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Жумладан, 2020 — 2024 йилларда ФХДЁ бўлимларига 18 ёшга тўлиб никоҳдан ўтиш учун мурожаат қилган хотин-қизларнинг 1 637 нафарида никоҳгача бўлган даврда туғилган фарзандлари борлиги аниқланган.

Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик ва никоҳ тузиш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сони эса, йил сайин ошиб борган.

Жумладан, 2024 йилга қадар 1737 нафар шахс МЖТКнинг 473-моддасига асосан жавобгарликка тортилган, бу кўрсаткич 2025 йилнинг ўзида 1283 тани ташкил этган.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришганлик ҳолатлари 35 фоизга, вояга етмаган фарзандини эрга берганлиги ёки уйлантирганлиги 70 фоизга, диний маросимни амалга оширганлик 12 баробарга ортган.

Шу билан бирга, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2024 йилда никоҳдан ажратишга доир 32 217 та ариза қаноатлантирилган бўлса, шунинг 1 222 таси, яъни 4 фоизи оилага тайёр эмаслик сабаблари билан никоҳдан ажралишни ташкил этган.

Юқоридагиларга кўра:

1) Оила кодексида никоҳ ёшини қисқартириш учун узрли сабабларнинг қатъий рўйхатини белгилаш ва узрли сабабларни асослилигини ахборот тизимлари орқали инсон омилсиз текшириш тартибини жорий қилиш зарур.

2) Оила кодексининг 15-моддасида, узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола тугилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкинлиги белгиланган.

Никоҳ ёшини камайтириш масаласини ҳал қилиш ваколатини фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд органлари ваколатига киритиш зарур.

Масалан, Қозоғистон, Белоруссияда никоҳ ёшини қисқартириш ваколати ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилади.

4. 2024 йилда 271 776 та никоҳ тузилган бўлса, 2025 йилда никоҳдан ажралишлар сони 45 135 тага етган.

Никоҳдан ажралишларнинг энг кўпи Тошкент шаҳри (5 913 та), Фарғона (4 800 та), Андижон (4 781 та) ва Самарқанд вилоятларига (4 599 та) тўғри келади.

Маълумот учун: 2020 — 2024 йиллар мобайнида республика бўйича никоҳдан ажралишлар сони 59,9 фоизга ортган.

Хусусан, 2024 йилдаги никоҳдан ажралишларни 2020 йилга нисбатан таққосланса, Наманган (2 019 тага), Фарғона (1 959 тага), ва Сурхондарё (1 293 тага) вилоятларида кўрсаткичлар юқори суръатда ўсган.

Ажралишлар юзага келган оилаларда 37 мингдан зиёд вояга етмаган болалар борлиги қайд этилган.

2025 йилда 95 275 та никоҳ тузилган бўлиб, никоҳдан ажралишлар сони 23 338 тани (24 фоизни) ташкил этган ҳолда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан

4 фоизга (871 тага) ортган. Республиканинг 112 та туман ва шаҳарида никоҳдан ажралишлар сони ўсган.

Маълумот учун: жорий йил 6 ой (январь — июнь) давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан никоҳдан ажралишлар таққосланса, Чортоқ тумани (69 тага), Навоий шаҳри (57 тага), Янгиқўрғон тумани (51 тага), Марғилон шаҳрида (46 тага), Ёздувон тумани (46 тага), Чиноз туманида (35 тага) кўрсаткичлар ортган.

Никоҳдан ажралишларнинг сабаблари таҳлил этилганда, олдини олиш мумкин бўлган ҳолатлар ҳам борлиги аниқланди.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2024 йилда никоҳдан ажратишга доир 32 217 та ариза қаноатлантирилган. Шундан 17 535 та (54 фоиз) ҳолатда характер тўғри келмаслиги, 1 807 та (6 фоиз) бошқа никоҳ муносабатига киришганлиги, 1 222 та (4 фоиз) оилага тайёр эмаслиги, 1 033 та (3 фоиз) ўзаро ишончсизлик сабабли никоҳдан ажралиш қайд этилган.

Шунингдек, ўтказилган сўровномалар натижаларида никоҳдан ажралишга асосан ўзаро ишончсизлик (50,5 фоиз), бир-бирини тушунмаслик (46,6 фоиз), моддий етишмовчилик (34,1 фоиз), учинчи шахс аралашуви (29,4%) сабаб бўлаётганлиги билдирилган.

Мазкур рақамлар ҳудудларда никоҳдан ажрашаётган тарафларни яраштириш билан боғлиқ фаолияти самарали ташкил қилинмаганлигини кўрсатмоқда.

Судгача бўлган босқичда ёки суд жараёнида оилавий низоларни келишув йўли билан ҳал этишда медиация институтининг роли катта бўлса-да, унинг кенг қўлланилмаётгани, малакали медиаторларнинг етишмаслиги ва улар хизматларидан фойдаланиш маданиятининг шаклланимагани каби масалалар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, Жанубий Кореяда (Family Litigation Act (Family Procedure act) “Оилавий низолар бўйича суд тартиби тўғрисида”ги Қонун никоҳни ёбор қилиш бўйича ишларни мажбурий Медиация (Mandatory Mediation) жорий қилинган. Суд никоҳни ёбор қилиш юзасидан ишни кўриб чиқишдан олдин мажбурий равишда медиация органига юборади. Медиация натижаси “хулоса” сифатида судга қайтарилади ва суд ушбу хулосага юридик баҳо бериши шарт. Медиация хулосаси бўлмаса, суд ишни кўриши мумкин эмас.

2) ОКнинг 40-моддаси 2-қисмига кўра, суд эр-хотинга ярашиши учун муҳлат тайинлаб, ишнинг кўрилишини кейинга қолдирган тақдирда, эр-хотиннинг бирга яшаиш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаиш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриши учун уч кундан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши керак.

Таҳлилларга кўра, 2025 йилда 2.721 та ҳолатда судлар томонидан яраштириш комиссияларининг хулосалари олинмасдан ажримлар қайд этилган.

Шу сингари, ҳолатларни олдини олиш учун “Идоралараро электрон ҳамкорлик йўли орқали” деган қўшимча киритиш керак, бўлади.

3) ОКнинг 41-моддасига кўра, *агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишига имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.*

Мазкур қонун нормасида никоҳдан ажратиш асосларининг қатъий рўйхатини белгилаш зарур.

- оилавий ҳаётнинг барқарор бузилиши ва эр-хотин ўртасидаги жиддий низолар;

- эр-хотиндан бирининг хиёнати;

- эр ёки хотин содир қилган жинояти учун улардан бири, фарзандлари жабрланувчи деб топилганлиги;

- эр ва хотиннинг уч йилдан ортиқ вақт давомида бирга яшамаётганлиги.

4) Шунингдек, қонунчиликда учинчи шахс аралашуви никоҳдан ажралишга сабаб бўлганлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланмаган.

Никоҳдан ажралишга сабаб бўлган учинчи шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш лозим бўлади.

5. Шунингдек, судларнинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги қарорларини қонуний кучга кирган куннинг ўзида автоматик равишда “ФХДЁнинг ягона элетрон архиви” ахборот тизимида юбориш зарур;

2) никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини суд жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ФХДЁ органи томонидан “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида автоматик равишда қайд қилиш ҳамда суд қарори нусхаси никоҳдан ажралганлик тўғрисидаги гувоҳномага тенглаштириш;

3) Олий суд ахборот тизимини “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида интеграция қилиш орқали никоҳдан ажратиш аҳқидаги даъво аризасини шакллантиришда никоҳ маълумотларини, шунингдек далолатнома ёзуви рақамини (ID) “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимидан текшириб олиш, шунингдек никоҳдан ажралиш билан боғлиқ барча жараёнларни далолатнома ёзуви рақамига (ID) боғлаш амалиётини жорий этиш зарур бўлади.

Бу тарафларни ортиқча вақтини тежайди ва уларга қулайлик яратади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, никоҳдан ажратиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда комплекс ёндашувни қўллаш зарур. Жумладан, никоҳ келишувини мажбурий тарзда жорий этиш, никоҳ ёшини камайтириш асосларини аниқ белгилаш ва ваколатли органлар доирасини қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, эрта

никоҳларнинг олдини олиш мақсадида жавобгарлик чораларини кучайтириш, ҳуқуқбузарликлар учун жазоларни қатъийлаштириш талаб этилади.

Мазкур соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш, хусусан, никоҳни масофадан туриб қайд этиш, тиббий кўрик натижаларини электрон шаклда интеграция қилиш ва суд ҳамда ФХДЁ органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини таъминлаш орқали фуқароларга қулайлик яратиш мумкин. Бу эса ортикча бюрократик тўсиқларни бартараф этиб, жараёнларни шаффофлаштиради.

Шунингдек, никоҳдан ажралишларнинг олдини олишда медиация институтини кенг жорий этиш, малакали медиаторлар тайёрлаш ва аҳоли ўртасида ушбу институтнинг аҳамиятини ошириш муҳимдир. Суд амалиётида яраштириш комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳам оилавий низоларни бартараф этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, никоҳдан ажратиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш оила институтини мустаҳкамлаш, болалар манфаатларини ҳимоя қилиш ва жамиятда барқарор ижтимоий муҳитни таъминлашга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.08.2003 йилдаги “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2023 йилдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида”ги Низоми.
7. Family Litigation Act (Janubiy Koreya).
8. Қозоғистон ва Беларусь давлатларининг оила қонунчилиги.
9. Оила ҳуқуқи бўйича илмий адабиётлар ва ҳуқуқий тадқиқотлар.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди статистик маълумотлари.